

9-28-2018

Electron documents as evidence source of civil procedural and economic procedural law

O Pirmatov

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Civil Law Commons](#)

Recommended Citation

Pirmatov, O (2018) "Electron documents as evidence source of civil procedural and economic procedural law," *Review of law sciences*: Vol. 2 : Iss. 3 , Article 15.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss3/15

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



ELECTRON DOCUMENTS AS EVIDENCE SOURCE OF CIVIL PROCEDURAL AND ECONOMIC PROCEDURAL LAW

O.PIRMATOV^a

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ЭЛЕКТРОННЫЕ ДОКУМЕНТЫ КАК ИСТОЧНИК ГРАЖДАНСКО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО И ЭКОНОМИКО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРАВА

О.ПИРМАТОВ^а

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ХУҚУҚИНИНГ ДАЛИЛ МАНБАИ СИФАТИДА ЭЛЕКТРОН ХУЖЖАТЛАР

О.ПИРМАТОВ^а

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мазкур мақолада электрон хужжатларнинг оддий ёзма далиллардан фарқли жиҳатлари, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юртишида электрон хужжатларни баҳолаш муаммолари, амалдаги қонун хужжатларида электрон хужжатларни такомиллаштириши масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: электрон хужжат, электрон далил, ёзма далил, ашёвий далил, электрон ёзишмалар.

Аннотация: в данной статье рассматриваются отличительные черты электронных документов от простых письменных доказательств, проблемы оценивания электронных документов при ведении гражданских и экономических судебных дел, в действующих законодательных актах рассмотрены вопросы совершенствования электронных документов.

Ключевые слова: электронный документ, электронные доказательства, письменные доказательства, вещественные доказательства, электронная переписка.

Abstract: This article studies the distinguishing peculiarities of electronic documents from simple written evidences, the problems of evaluating electronic documents in pursuing the civil and economic cases. The improvement of electronic documents is considered in the acting legislative acts.

Keywords: electronic document, electronic evidence, written evidence, material evidence, electronic correspondence.

Электрон хужжатлар электрон далилларнинг энг кенг тарқалган шаклларида бири саналади. Ўзбекистон Республикаси “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни электрон хужжатларга оид муносабатларни тартибга солиди. Ушбу Қонунга асосан электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатнинг идентификация

килиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжат деб белгиланган.

Бугунги кунда ҳам иқтисодий, ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида электрон ҳужжатлар электрон далилларнинг бир кўринишими ёки ёзма далилларнинг бир тури сифатидаги баҳс-мунозара давом этмоқда.

О.Диордиева, С.Ворожбит, М.Митрофанова электрон ҳужжатларни ёзма далилларнинг бир кўриниши сифатида қабул қилишни таклиф этишса, А.Т.Боннер, М.В.Горелов, Е.В.Ткаченко, Хуан Сян, И.Г.Медведев электрон ҳужжатларни электрон далилларнинг алоҳида бир кўриниши сифатида баҳолайди.

О.Диордиеванинг фикрича, электрон далиллар ёзма далилларнинг бир кўриниши сифатида баҳоланади. Унинг фикрича, ёзма далил ҳар доим ашёвий кўринишда бўлиб, баъзан қоғоз кўринишида баъзан электрон шаклда, яъни ўқиш имконияти мавжуд бўлган электрон дисплей шаклда намоён бўлади [1]. С.Ворожбит ҳам электрон ҳужжат ёзма шаклдаги исботлаш воситаси эканлигини, бунинг сабаби уни ўқишда ёзув белгиларидан фойдаланилишини, электрон ҳужжатлардан техник воситалар ёрдамида фойдаланиш, унинг ёзма далиллар қаторига кирмаслигига сабаб бўлмаслигини айтиб ўтади [2]. Бизнинг назаримизда, электрон ҳужжатларни ўқишда техник воситалар муҳим аҳамият касб этади. Нафақат электрон далилларни ўқишда, балки ўзгартириш, сақлашда ҳам, жўнатишда ҳам техник воситаларнинг аҳамияти беқиёсдир.

М.Митрофанованинг фикрича, электрон далилларни ёзма далилларнинг бир кўриниши сифатида текширилади ҳамда баҳоланади [3].

Шунингдек, хитойлик ҳуқуқшунос Хуан Сян ҳам электрон ҳужжатларни электрон далилларнинг бир кўриниши сифатида: электрон ҳужжатларни тайёрлашда инсон омили бевосита иштирок этмайди, шунинг учун ҳам уни ёзма далиллар қаторига киритиб бўлмайди деб ҳисоблайди[4]. Хитойлик ҳуқуқшунос Хуан Сян электрон ҳужжатларни нафақат тузишда ва имзолашда инсон ташқи ҳаракатини назарда тутмоқда, балки уни сақлаш, жўнатиш ҳам ёзма далиллардан тубдан фарқ қилишини таъкидлаб ўтади.

Суд иш учун аҳамиятли ҳамда дахлдор бўлган далилларни кўриш учун қабул қилади, текширади ҳамда баҳолайди. Бироқ электрон ҳужжатларнинг дахлдорлиги ва баҳолаш тартибига оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларида ўз аксини топмаган.

Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимларидан хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилди ва сақланади. Электрон ҳужжатлар куйидаги белгиларга эга бўлади:

- электрон рақамли имзо;
- электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжатаратилган сана.

Электрон ҳужжатнинг бошқа ҳужжатлардан ажралиб турувчи асосий фарқи электрон рақамли имзодир. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунга асосан электрон ҳужжатларга қўйилган электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо саналади.

Баъзан фуқаролик ва иқтисодий ишлари бўйича суди судьялари иқтисодий ва фуқаролик низоларни кўриб ҳал қилаётганда электрон ҳужжатлар асосида тайёрланган шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига қайд этилган шартномалар шаклига риоя қилинганлигига эътибор қаратиши лозим.

Судья уй-жой олди-сотди шартномасини бекор қилиш ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик ишларини кўраётганда тарафлар томонидан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни асосида тайёрланган уй-жой олди-сотди шартномасига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни асосида тайёрланган уй-жой олди-сотди шартномаси амалдаги қонунчиликка асосан нотариал тасдиқланмаган ёки давлат рўйхатидан ўтишнинг имконияти мавжуд эмас. Судуи-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий

эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик ишида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуниасосида тайёрланган уй-жой олди-сотди шартномаси ишга дахлдор далил сифатида қабул қилиши мумкин. Далилларнинг дахлдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиш жараёнида қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

1) тақдим этилган далиллар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлашга қартилганлигини;

2) тақдим этилган далиллар ишга дахлдор бўлган ҳолатларни тасдиқлаши ёки рад этишини аниқлаши керак [5]. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни асосида тайёрланган уй-жой олди-сотди шартномаси уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 112-моддасига асосан битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқариши белгиланган. Бунда суд электрон тартибда тузилган, аммо битим шаклига риоя қилмаган шартномани ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Электрон тартибда тузилган шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгиланган битим шаклига риоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунларида ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Агарда фуқаролик ишлари бўйича суд “Қарзни ундириш тўғрисида”ги фуқаролик ишини кўриб ҳал қилаётганда тарафлар судга электрон тартибда тузилган қарз шартномасини тақдим қилиши ёки суд уни талаб қилиб олиши мумкин. Судья техника воситалар ёрдамида электрон тартибда тузилган қарз шартномасини текширади ва ички ишончга асосан баҳо беради. Суд зарур ҳолларда электрон тартибда тузилган қарз шартномаси бўйича экспертиза тайинлаши ҳамда суд топшириқлари юбориши мумкин. Шунингдек, тарафлар электрон тартибда тузилган қарз шартномасини қоғозга чоп этган ҳолда ҳам тақдим этиши мумкин.

Хуқуқшунос олимлар О.Мальцева, Н.Ризаев электрон ҳужжатларни икки туркумга:

- электрон шартнома;
- электрон ёзишмаларга ажратади.

Бизнинг назаримизда, электрон ҳужжатларниуч туркумга ажратиш мумкин:

- электрон битим;
- электрон шахсий ёзишмалар;
- электрон ҳисоб-китоблар.

Юқоридаги олимларнинг фикрини ҳурмат қилган ҳолда, бизнингча, электрон ҳужжатларни электрон далилларнинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Электрон битимлар, электрон ҳисоб-китоб ва электрон ёзишмаларни тубдан фарқлаш лозим. Зеро, электрон ёзишмаларга электрон ҳужжатларга талаб қиладиган электрон имзо, идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитлар зарур эмас, шунингдек электрон битимларни қоғозга чиқариш мажбурияти мавжуд бўлса, электрон ёзишмалар электрон почта, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқаси ва бошқа техник воситалар ёрдамида яратилиши, уларда сақланиши ҳамда қайта ишланиши (йўқ қилиниши), шунингдек ўзида шахсий ахборотларни сақлаши, ахборот ҳимояланганлиги билан электрон битимлардан фарқ қилади. Электрон почта, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқаси ва бошқа техник воситалар ёрдамида яратилган ёзишмаларни қоғозга чоп этиш фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига олиб келиши мумкин.

Ўз навбатида, электрон ҳужжат иборасини ҳам кенгайтириш лозим, хусусан, имзоланиб, муҳрланган ҳужжатларнинг сканер қилинган, расмга олинган (JPG) нусхасини электрон ҳужжатлар қаторига киритишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 5-моддасида фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этишга ҳақли деб белгиланган. Тарафлар ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этганда, албатта, ёзма ҳужжатларини сканер ёки бошқа техник воситалар ёрдамида электрон шаклга ўтказилади. Шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмида ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари судга тақдим этган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда кўшиб кўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтариб берилади дейилган. Албатта, суд ҳам ёзма шаклдаги ҳужжатларни сканер ёки бошқа техник воситалар ёрдамида электрон шаклга ўтказилади. Бироқ Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунга асосан электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан

тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир. Бизнинг назаримизда, қонунчиликда белгиланган тартибда имзоланган, муҳр қўйилган, нотариал тасдиқланган ёки давлат рўйхатидан ўтган (имзоси, муҳри ва белгиси қўйилганлиги) ҳужжатларнинг техник воситалар ёрдамида электрон шаклга ўтказилган ҳужжатни ҳам электрон ҳужжат деб белгилашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси электрон ҳужжат иборасига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни таклиф қиламиз:

Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот ёки қонунчиликда белгиланган тартибда имзоланган, муҳр қўйилган, нотариал тасдиқланган ёки давлат рўйхатидан ўтган (имзоси, муҳри ва белгиси қўйилган) техник воситалар ёрдамида электрон шаклга ўтказилган ҳужжат электрон ҳужжатдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига 89⁵-модда, яъни Электрон ҳужжатлар деган моддани киритиш ҳамда у қуйидагича ақс этиши лозим:

Иш учун аҳамиятли бўлган электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир. Электрон ҳужжатлар сифатида электрон шартнома, электрон ёзишмалар, электрон ҳисоб-китоб ва бошқалар бўлиши мумкин. Тарафлар, юридик ва жисмоний шахслар электрон ҳужжатни электрон сақловчи қурилмаларда (флешка, диск, уяли телефон ва ҳоказо) ёхуд ахборот телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда судга тақдим қилишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунга юқоридаги нормаларнинг киритилиши фуқаролик ва иқтисодий ишларни тез ва осон ҳамда қонуний ҳал қилинишига замин яратган бўлар эди. Шунингдек, суд томонидан электрон шартнома, электрон ёзишмалар, электрон ҳисоб-китоблардан келиб чиқадиган фуқаролик ва иқтисодий низоларга оид бўлган электрон ёзишмалар, электрон почта, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқаси ва бошқа техник воситалар ёрдамида яратилган далилларга мақбуллик ва ишонччилик нуқтаи назаридан баҳолашга олиб келади.

References:

1. O.Diordiyeva Grajdanskiy protsess. Leksii po kursu. – Moskva, 2003. – S.66.
2. S.Vorojbit. Elektronnye sredstva dokazyvaniya v grajdanskom i arbitrajnom protsesse: avtoref. diss. kand. jurid. nauk. – SPb., 2011. – S.16.
3. M.Mitrofanova. Elektronnie dokazatelstva i prinsip neposredstvennosti v arbitrajnom protsesse: avtoref. diss. kand. jurid. nauk. – Saratov, 2013. – S.14-15.
4. Xuan Syan. Sudebnye dokazatelstva v grajdanskom protsesse (opyt sravnitel'nogo pravovedeniya na primere Rossii i Kitaya): avtoref. diss. kand. jurid. nauk. – M., 2008. – S.30-31.
5. M.Mamasiddiqov. Fuqarolik protsessual huquqi. – Toshkent, 2010. – B.310.
6. O.Malseva, N.Rizayev. Dopustimost ispolzovaniya elektronix dokumentov v kachestve dokazatelstva v grajdanskom protsesse // Molodoy uchenyy. – 2015. – №22. – S.611–613.